

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблаш

УСУЛИ

Кредитга лаёқатлилик - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш, уларнинг кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш қобилиятидир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги бир қатор кўрсаткичлар билан тавсифланади. Кўрсаткичлар миқдори чекланмайди ва хизмат кўрсатилаётган мижозлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир тижорат банки томонидан мустақил тарзда белгиланади.

Мазкур методикада кредитга лаёқатлиликнинг зарурий шартли кўрсаткичлари кўриб чиқилади: қоплаш, ликвидлилик ва хусусий маблағлар билан таъминланганлик коэффицентлари (автономия коэффицентини), молиявий левераж (мажбуриятларнинг умумий хусусий капиталга нисбати), соф фойда, активлар ва капиталнинг рентабеллик коэффицентлари (ROA ва ROE), шунингдек хусусий айланма маблағларнинг мавжудлиги (ХАММ).

Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш хўжалик юритувчи субъектларнинг фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи ҳамда баланснинг таҳлили асосида амалга оширилади. Бундан ташқари зарур ҳолларда кредитга лаёқатлиликни баҳолашда иқтисодчи статистларнинг маълумотлари, банкнинг ўзининг статистика ва таҳлилий материаллари ҳамда бошқа ахборот манбаларидан фойдаланилади.

Кредитга лаёқатлиликнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Қопланиш коэффицентини – КП;
2. Ликвидлилик коэффицентини – КЛ;
3. Ўз манбалари билан таъминланганлиги (автономия коэффицентини - КА).

Кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларининг ҳисоб-китоби

I. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ

	баланс сатрининг рақами
Пул маблағлари	320
Валюта маблағлари	350
Кассадаги пул маблағлари	330
Ҳисобрақамдаги пул маблағлари	340
Бошқа пул маблағлари	360

I-бўлим бўйича жами

II. ОСОН СОТИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Қисқа муддатли инвестициялар
(облигациялар, депозитлар, тақдим этилган
заёмлар ва бошқа қимматли қоғозлар)- фақат
3 ой мобайнида қайтариш муддатлари билан 370

Сотиб олувчи ва буюртма берувчилар билан
ҳисоб-китоблар (муддати 90 кундан зиёд бўлган
жами дебиторлик қарздорлик айирилган ҳолда) 220
Бўнак тўловлари (муддати 3 ойдан ошқ бўлмаган) 260

Бюджет билан ҳисоб-китоблар 270

Ходимлар билан ҳисоб-китоблар	300
Фарзанд корхоналари билан ҳисоб-китоблар	240
Фаолияти боғлиқ бўлган корхоналар билан ҳисоб-китоблар (ички тизим, ички хўжалик, ҳисоб-китоблар)	230
Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар	290
Бошқа дебиторлар (ундириш учун реал бўлган)	310

II-бўлим бўйича жами

III. ОСОН СОТИЛАДИГАН ЗАҲИРАЛАР

Ишлаб чиқариш захиралари	150
Тайёр маҳсулот (сақланиш муддати 3 йилдан зиёд бўлган маҳсулот айирилган ҳолда)	170
Товарлар	180

III- бўлим бўйича жами

IV. ҚИСҚА МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

Узоқ муддатли заёмлар (яқин 3 ой муддати ичида тўлов шарти билан)	580
Узоқ муддатли кредитлар (яқин 3 ой муддати ичида тўлов шарти билан)	570
Қисқа муддатли заёмлар	740
Қисқа муддатли кредитлар	730
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар	560
Етказиб берувчилар	610
Бюджетга қарздорлик	680
Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик	720
Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарздорлик (69 х/в)	690
Давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарздорлик	700
Фарзанд корхоналари бўйича қарздорлик	630
Фаолияти боғлиқ бўлган корхоналар бўйича қарздорлик	710
Бошқа кредиторлар (қайтарилиш муддати 90 кундан кам бўлмаган қарздорлик ҳисобга олинади)қарзи	760

IV-бўлим бўйича жами

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари қуйидагича ҳисобланади:

1.Баланси қоплаш коэффициентлари жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$КП = \frac{ЛС}{Кр. О}$$

Бу ерда, КП - қопланиш коэффициенти;
ЛС - қисқа муддатли тоифадаги ликвид маблағлар;
Кр. О - қисқа муддатли мажбуриятлар, яъни

$$КП = \frac{\text{Пул маблағлари} + \text{Осон сотил. талаблар} + \text{Осон сотил. захир.}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}, \text{ ёки}$$

$$КП = \frac{\text{I-бўлим} + \text{II-бўлим} + \text{III-бўлим}}{\text{IV-бўлим}};$$

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати муваффақиятли ҳисобланиши мумкин агарда ликвидли активлари қисқа муддатли мажбуриятларидан камида 2 баробар кўп бўлса. Ушбу юқори критерия чегара бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг қисқа муддатли активларига ликвидли активларининг миқдор жиҳатидан тенг бўлган пайти пастки чегара сифатида қабул қилинади.

Шу билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг тавсифи, хўжалик юритувчи субъектлар активларининг таркибий тузилиши каби омиллар қопланиш кўрсаткичи билан тавсифланувчи корхона баланси ликвидлигининг ҳақиқий ҳолатини бирмунча нотўғри кўрсатиши мумкин.

2.Турли омиллар таъсирини камайтириш учун хўжалик юритувчи субъектлар балансининг ликвидлилик коэффициенти ҳисоблаб чиқилади, у ликвидли активлар суммаси (пул маблағлари ва осон сотиладиган талаблар)нинг жорий мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади, яъни товар-моддий қимматликлар захиралари ҳисобга киритилмайди, балки фақат реал ликвидли активлар ҳисобга олинади:

$$КЛ = \frac{ДС + ЛРТ}{Кр.О};$$

Бу ерда, КЛ – ликвидлилик коэффициенти;
ДС – пул маблағлари
ЛРТ – осон сотиладиган талаблар;
Кр.О – қисқа муддатли мажбуриятлар, яъни:

$$КЛ = \frac{\text{Пул маблағлари} + \text{осон сотиладиган талаблар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}};$$

ёки

$$КЛ = \frac{\text{I-бўлим} + \text{II-бўлим}}{\text{IV-бўлим}};$$

Ликвидлилик коэффициенти жорий мажбуриятларнинг қандай қисми нафақат нақд маблағлар ҳисобига, балки юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар юзасидан кутилаётган пул тушумлари ҳисобига ҳам сўндирилиши мумкинлигини кўрсатади.

3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусий маблағлар манбалари билан таъминланганлиги (ёки автономия коэффициенти) хусусий маблағлар манбалари улушининг пассив умумий суммасига нисбати орқали баҳоланади ва хўжалик юритувчи субъектларнинг қарз маблағлар манбаларидан мустақиллигини акс эттиради:

$$КА = \frac{СИ}{ПБ}$$

бу ерда, КА – автономия коэффициента;

СИ - Хусусий маблағлар манбалари - 480 сатр;

ПБ – балансинг пассиви - 780 сатр

Яъни:

480 сатр

$$КА = \frac{480 \text{ сатр}}{780 \text{ сатр}}$$

Корхонанинг хусусий манбалар билан таъминланганлик фоизи 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозим (қуйи чегараси). Фақат айланма маблағлар юқори айланишга эга бўлган тақдирда ва корхона фаолиятининг тавсифидан келиб чиққан ҳолда ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиладиган ҳажми бирмунча пастроқ бўлиши мумкин.

Агар мазкур коэффициент 0,6дан, яъни 60 фоиздан юқорини ташкил этса, унда кредит таваккалчилигининг энг паст даражасига эришилди деб ҳисобланади.

Кредитга лаёқатлиликининг қўшимча кўрсаткичларига ўз айланма маблағларини мавжудлиги, фойдалилик, тўланмаган тўловлар ҳамда айланма маблағлар айланиш тезлигининг динамикаси ҳисобланади.

4. Ўз айланма маблағларнинг мавжудлиги:

$$НСОС = ИСС - ДА$$

Бу ерда, НСОС - ўз айланма маблағларининг мавжудлиги;

ИСС - ўз маблағларининг манбалари - 480+580+570

ДА – узоқ муддатли активлар - 130 сатр, яъни:

$$\text{ўз айланма маблағларининг мавжудлиги} = (480+580+570) - 130.$$

Хўжалик юритувчи субъектда узоқ муддатли активлар (баланс активининг I бўлими) хусусий маблағлар манбаларидан ортиқ бўлган тақдирда ноликвид баланси мавжуд хўжалик юритувчи субъектлар банк кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

5. Корхона айланма маблағларнинг айланиши икки кўрсаткич билан ҳисобланади, яъни айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти ва айланма маблағларнинг кунлар ҳисобидаги айланиши.

Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти айланма маблағлар айланишининг тезлигини кўрсатади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$а) Коб = \frac{P}{...}$$

CO

Бу ерда, Коб – айланиш коэффициенти;
 P – сотилган махсулотнинг хажми;
 CO – айланма маблағларнинг ўртача хронологик қолдиқлари.

Айланма маблағларнинг кунлар ҳисобидаги айланиши:

$$\text{Кунлар ҳисобидаги айланиши} = \frac{\text{CO} \times \text{Д}}{\text{P}}$$

Бу ерда, CO-айланма маблағларнинг ўртача хронологик қолдиқлари.

Д – таҳлил этилаётган даврдаги кунлар сони;

P – сотилиш хажми,

юқоридагилар қуйидагича аниқланади:

баланснинг 390-сатри:

-биринчи чорак учун (1-январ ҳолатига бўлган қолдиқлар суммаси плюс 1-апрель ҳолатига ва 2 бўлинганлиги);

-ярим йиллик учун (1-январь ҳолатига қолдиқларнинг ярми плюс 1-апрель ҳолатига (тўлиқ қолдиқ) плюс 1-июль ҳолатига қолдиқнинг ярми ва 2 бўлинганлиги);

-9 ой учун (1-январь ҳолатига қолдиқларнинг ярми плюс 1-апрель ҳолатига плюс 1-июль ҳолатига плюс 1-октябрь ҳолатига қолдиқнинг ярми ва 3 бўлинганлиги);

-йиллиги (1-январь ҳолатига қолдиқларнинг ярми плюс 1-апрель ҳолатига плюс 1-июль ҳолатига плюс 1-октябрь ҳолатига плюс 1-январь ҳолатига қолдиқнинг ярми ва 4 бўлинганлиги).

Эслатма: Қишлоқ хўжалиги корхоналари бўйича

1.Автономлик коэффициенти ва ўз айланма маблағларининг мавжудлиги фақат йиллик ҳисобот бўйича аниқланади ҳамда ушбу миқдор йил давомида ҳисобга олинади.

2.Қопланиш коэффициентининг ҳисоб-китобида тугалланмаган ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш жараёнидан олиб ташланган тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича харажатлар айирилган ҳолда), яъни баланснинг 130 сатри “Осон сотиладиган захиралар”га кўшилади.

Корхонани ривожлантириш тенденцияси, хўжалик фаолияти натижаларининг яхшиланиши ёки ёмонлашишини аниқлаш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур. Мижознинг молиявий кўрсаткичлари ёмонлашганда содир бўлган ўзгаришнинг объектив ва субъектив сабабларини аниқлаб олиш даркор.

1-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит лаёқатлилигини баҳолаш

Тартиб рақам	Кўрсаткичлар номи	Давралар			
		1-чорак	Ярим йиллик	9-ойлик	Йиллик
1	Қоплаш коэффициенти				
2	Ликвидлилик коэффициенти				
3	Автономия коэффициенти				

4	Ўз айланма маблағлари мавжудлигининг динамикаси				
5	Даромадлиги				
6	Тўланмаган тўловлар: а) банкнинг ссудалари бўйича; б) ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича				
7	Айланма маблағларнинг айланиш тезлиги: а) айланиш коэффициенти; б) кунлар ҳисобидаги айланиши				

2-жадвал

Кредитга лаёқатлилиқнинг класси бўйича асосий кўрсаткичлар талаблари

	Номи	I класс	II класс	III класс
<u>1</u>	<u>Қоплаш</u> коэффициенти (КП)	$K_k \geq 2,0$	$2,0 > K_k \geq 1,0$	$1,0 > K_k > 0,5$
<u>2</u>	<u>Ликвидлилиқ</u> коэффициенти (Кл)	$L_k \geq 1,5$	$1,5 > L_k \geq 1,0$	$1,0 > L_k > 0,5$
<u>3</u>	<u>Автономия</u> коэффициенти (КА)	$A_k \geq 60\%$	$60\% > A_k \geq 30\%$	$30\% > A_k > 15\%$

Коэффициентлар ҳажмининг таҳлили асосида хўжалиқ юритувчи субъектлар кредитга лаёқатлилиқ бўйича 3 классга таснифланади ва у ёки бошқа классга тегишли эканлигига боғлиқ ҳолда банкнинг мижоз билан ўзаро муносабатлари йўлга қўйилади.

Биринчи классга киритилган корхоналар:

-умумий асосларда (шартларда) кредитланади. Уларга нисбатан кредитлашнинг имтиёзли тартиби ҳам кўзда тутилиши мумкин, яъни қонунчилиқ ва банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ имтиёзлар берилиши мумкин;

-иккинчи классга киритилган корхоналар умумий асосларда кредитланади ва агар ижобий қўшимча кўрсаткичлар мавжуд бўлса имтиёзларни ҳам бериш мумкин.

Кредитга лаёқатлилиқ бўйича иккинчи классга киритилган хўжалиқ юритиш субъекти салбий қўшимча кўрсаткичлар ва ёмон тенденцияга эга бўлган тақдирда унинг молиявий ҳолатини нисбатан барқарор эмас деб ҳисоблаш зарур ҳамда кредит шартномасини тузиш чоғида унинг фаолияти ва кредитнинг қайтарилиши юзасидан қўшимча назорат чораларини (жумладан гаров ҳуқуқининг таъсирини кучайтириш, фоиз ставкаларини ошириш, ссудалардан фойдаланиш ҳажмлари ва муддатларини чеклашни) кўзда тутиш даркор.

Хусусан, гаров юзасидан талабларнинг кучайтирилиши, фоиз ставкаларни кўтарилиши, ссудалардан фойдаланишнинг ҳажмлари ва муддатларини чекланиши ва бошқалар.